

ЛИЗИНГ ФАОЛИЯТИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ БҮЙИЧА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Исломов Баҳридин

Судьялар олий мактаби магистранти

АННОТАЦИЯ

Мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириши, лизинг тизимини ривожлантириши турли мулкчилик шаклидаги ҳўжаликларнинг моддий техника базасини мустаҳкамлашда ривожланган мамлакатлар ҳуқуқий тажрибасини ўрганиши муҳим аҳамият касб этади. Жаҳон тажрибасига эътибор қаратсак, лизинг компанияларнинг ихтисослашганлиги, лизинг операция хажми, имконияти, ҳудудий жойланиши ва бошқа кўрсаткичлар билан ажралиб туради.

Маълумки, лизинг шартномаси фуқаролик муомаласининг ҳуқуқий шакли ҳисобланади. Лизинг замонавий, юксак технологияларни кенг миқёсда жалб қилган ҳолда, иқтисодиёт ва бизнес ривожланишининг гаровидир. Лизинг – бу асосий воситалар, қурилмалар шунингдек узоқ вақт ишлатиладиган истеъмол молларининг узоқ муддатли ижараси бўлиб, тул шаклидаги эмас, балки моддий шаклдаги кредит беришида ифодаланади.

Калит сўзлар: Фуқаролик-ҳуқуқий шартнома, лизинг, франшизинг, ижара муносабатлари.

УНИКАЛЬНОСТЬ ОПЫТА ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН ПО ПРАВОВОМУ РЕГУЛИРОВАНИЮ ЛИЗИНГОВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

Исламов Баҳридин

Магистр Высшей школы судей

АННОТАЦИЯ

Большое значение имеет либерализация экономики, развитие лизинговой системы в нашей стране, укрепление материально-технической базы фермерских хозяйств с разными формами собственности, изучение правового опыта развитых стран. Если обратить внимание на мировой опыт, лизинговые компании отличаются своей специализацией, размером лизинговой операции, возможностью, территориальным расположением и другими показателями.

Известно, что договор аренды является правовой формой гражданско-правовой сделки. Лизинг – это гарантия развития экономики и бизнеса с привлечением современных, высоких технологий в больших масштабах. Лизинг

– это долгосрочная аренда основных средств, приборов и товаров народного потребления, которые используются в течение длительного времени.

Ключевые слова: Гражданско-правовой договор, лизинг, франчайзинг, арендные отношения.

КИРИШ

Мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш, лизинг тизимини ривожлантириш турли мулкчилик шаклидаги хўжаликларнинг моддий техника базасини мустаҳкамлашда ривожланган мамлакатлар ҳуқуқий тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Жаҳон тажрибасига эътибор қаратсак, лизинг компанияларнинг ихтисослашганлиги, лизинг операция хажми, имконияти, ҳудудий жойланиши ва бошқа кўрсаткичлар билан ажралиб туради.

Бир неча давлатларда халқаро молиявий лизинг шартномасини тузиш шу давлатнинг “Лизинг тўғрисида”ги қонунига ёки шартнома тарафлари келишувига асосан “Халқаро молиявий лизинг тўғрисида”ги УНИДРУА конвенция меъёрларига мувофиқ белгиланади. Россия Федерациясида лизинг Гражданлик кодекси ва “Молиявий ижара (лизинг) тўғрисида”¹ги қонун билан тартибга солинади. Россия Федерацияси Гражданлик кодексига мувофиқ лизинг шартномаси – ижара шартномасининг бир тури сифатида тан олинади. Шунинг учун халқаро молиявий лизинг шартномаси тузилаётганида келиб чиқадиган муаммоларни бартараф этиш учун ижара шартномаси тарафларига қўйиладиган коллизион нормалар қўлланилади². Бундан ташқари, Россия Федерациясининг “Молиявий ижара (лизинг) тўғрисида” ги қонунида лизинг шартномаси предмети билан боғлиқ масалаларга ойдинлик киритилган. Унга кўра, лизинг шартномасининг обьекти кўчмас мулк бўлса, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Россия Федерациясида лизинг фаолияти билан шуғулланувчи компанияларга даставвал лицензия (рухсатнома) олиш талаби қонун меъёрлари билан белгиланган эди. Лекин лизинг муносабатларини мамлакат ҳудудида эркин ривожланишини таъминлаш мақсадида қонун чиқарувчи орган 2002 йил 29 январдаги 10-сонли Федерал қонунга асосан лизинг берувчига нисбатан лицензия олиш талаби қонун меъёрларидан олиб ташланди. Европанинг бир неча давлатларида, хусусан Македония³,

¹<http://www.pavlodar.com/zakon/index.html>

² Диамантис Д.Г. Современное состояние финансовой аренды (лизинга) в России, США и странах западной Европы // Политика, государство и право. 2014. – № 7 (31). – С.21-24.

³<http://www.consultant.ru>

Албания⁴, Сербия⁵ Республикалари лизинг қонунларига ҳамда Озарбайжон давлатининг лизинг қонунчилигига ҳам лизинг берувчи руҳсатнома (лицензия) олингач ўз фаолиятини амалга оширади. Бундан ташқари, лизинг предмети бўлган мулкнинг алоҳида турлари (транспорт воситалари, ўта хавфли ускуналар) давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт.

АҚШда лизинг шартномаси ва унга шартли равишда олди-сотди шартномасини жалб қилиш, улар ўртасидаги чегараларни аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Америка қонунчилигига шартли олди-сотди шартномаси таъминот битимлари тоифасига киритилган ва ушбу шартномаларни Ягона Савдо кодекси (9-бўлим) бўйича тартибга солинади. Америка судлари ва солик органлари лизинг шартномасини аралаш муносабатлардан ташкил топганлигини турлича фарқларини очиб беради. Хусусан, лизинг шартномасининг тарафларига солиққа тортиш масалалари бўйича катта имтиёзларга эгалик қилиш имкониятини беради. Солик органлари томонидан шартнома тарафлари имтиёзларга эга бўлиши учун "ниқобланган" олди-сотди шартномасини лизинг шартномаси кўринишида тақдим этган ёки этмаганлигини аниқланади. Судлар эса бу амалиётни бошқача таснифлайди, яъни улар учун кўрилаётган лизинг шартномаси таъминлаш битимлари тоифасига кириш ёки кирмаслиги муҳим ва бундан бошқа турдаги юридик оқибатлар келиб чиқиши мумкин. АҚШ қонунчилигига мувофиқ, тижорат банкларига айrim молиявий операциялар турларини амалга ошириш таъқиғланганлиги сабабли, бевосита банклар томонидан лизинг хизматлари кўрсатилмайди. Лизинг компаниялар банклардан алоҳида ажralган ҳолда фаолият олиб боради. АҚШ солик қонунчилигига шундай моддалар мавжудки, унда жисмоний шахслар ҳам ўзи топган даромадларига асбоб-ускуна сотиб олиш ҳамда уни лизингга бериш хуқуқига эга⁶. Хусусан бугунги кунда лизинг операцияларининг асосий хажми АҚШга тўғри келиб жаҳон лизинг ҳажмининг деярли 40 фоизини ташкил этади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Континентал хуқуқ тизими амалда бўлган мамлакатларда ҳам англо-саксон хуқуқ тизимида бўлгани каби шартнома предметидан ижара муносабатлари орқали фойдаланилади ва товарларни шартли равишда сотиш амалиёти қўлланилади. Мисол тариқасида лизинг муносабатлари Францияда кредит-ижара (*credit-bail*) деб аталади ва 1966 йил 3 июлда қабул қилинган

⁴http://www.padelo.com/pulication_law.html

⁵<http://www.google.ru>

⁶ Фозибеков Д., Собиров О.Ш., Мўминов А.Г., Кулжонов О.М. Лизинг муносабатлар назарияси ва амалиёти. – Т.: Fan va tehnologiya, 2004. 13-б.

"Кредит ижара билан шуғулланувчи корхоналар тұғрисида"⁷ ги қонуни билан тартибга солинади. Лекин француз кассацион суди мулкни шартли равища сотишига зид бўлган бундай лизинг битимни таснифлашни бекор қилди. Ҳозирги даврда француз ҳуқуқий амалиёти лизинг муносабатларини ҳуқуқий таҳлил қилган ҳолда қўйидаги қарорга келди: лизинг – бу ўрта ёки узоқ муддатли олиб бориладиган кредит операциялари. Бунда лизинг берувчи лизинг олувчининг буюртмасига биноан сотувчидан мулкни сотиб олиб, мулкни ижара шартлари асосида узоқ муддатга фойдаланиш учун бериш ва мулкни ижара муддати тугагач, лизинг олувчи томонидан сотиб олишни кўзда тутади. Лизингда бир неча шартномаларнинг чамбарчас боғлиқлиги концепциясига қўшилувчи француз доктаринаси унинг бир-биридан ажралмас эканлигини таъкидлайди ва бу юзасидан суд амалиётининг хulosалари мавжуд. Агар лизинг олувчи шартнома предметига алоқадор фарқлар мавжуд бўлса, унда жавобгарлик масаласи ушбу қонунга биноан иш юритади (Наполеон Кодекси 1721-модда)⁸.

Белгия давлатида лизингни "молиявий ижара (location financement)" деб аталади ва ушбу муносабат французлар каби ҳуқуқий тартибга солинади⁹. Яъни 1967 йил 10 ноябрдаги "Молиявий лизинг амалиётини юритувчи корхоналар тұғрисида" ги қироллик қонунида молиявий лизинг, ижара каби атамалар ва унга яқин категориялар ўз аксини топган. Италияда молиявий ижара шартномаси (operazion di locazione finanziaria) ўзгача аҳамият касб этиб, унда лизинг предмети бўлган саноат ускуналари ва жиҳозлари кўчмас мулкка нисбатан ўрнатилган қоидалар асосида тартибга солинади¹⁰. Бу ҳолатда лизинг берувчи лизинг предметини кўчмас мулқдан ажратган ҳолда лизинг шартномаси орқали бериши мумкин.

Лизинг муносабатларини ҳуқуқий тартибга солища ҳуқуқнинг англо-аксон тизими мухим аҳамият касб этади. Унинг асосий хусусияти шундан иборатки, ҳар қандай шартноманинг таркибий қисмига англо-саксон ҳуқуқ тизимининг маҳсус институти таҳминий шартлар сифатида киритилади. Бу эса судларда шартнома хақида келишувга эришган томонларнинг хоҳиш-иродасини тўлдиришга хизмат қиласи ва лизинг шартномаси ҳам бундан мустасно эмас. Англия давлатининг "Товарларни етказиб бериш ва хизмат кўрсатиш тұғрисида" ги 1982 йилдаги қонунида ижара шартномасининг

⁷ Ҳазраткулов О.Т. Лизинг муносабатларини халқаро ҳуқуқий тартибга солиш. – Тошкент: ТДЮИ, 2012. – 45 б.

⁸ Ануфриева Л.П. Международное частного право. – М.: Бек, 2000. – С. 306.

⁹ Ҳазраткулов О.Т. Лизинг муносабатларини халқаро ҳуқуқий тартибга солиш. – Тошкент: ТДЮИ, 2012. – 46 б.

¹⁰ Richard M.Contino. *Negotiating Business Equipment Leases-Insider Strategies For Getting the Best Deal.* – New York./ McGraw-Hill, – 1995. – P.87.

таркибига кирувчи тахминий шартлар санаб ўтилган¹¹.

АҚШда лизинг компанияларининг йирик ускуна ишлаб чиқарувчи компаниялар томондан ташкил қилинган ва бошқа лизинг компаниялар йирик назорат банкларга тегишилдири. Бу компанияларнинг фаолият соҳаси минтақавий банкларнинг таъсир доирасидаги ҳудудларга тўғри келади. Америка қонунларининг муҳим томони шундан иборатки, унда тижорат банклари томонидан муайян молиявий хизмат турларини бажариш тақиқланади ва лизинг компаниялари банклардан ажратилган. Бундан ташқари, ҳатто йирик сугурта компаниялари ҳам лизинг соҳасига алоҳида эътибор қаратади, яъни улар фаолиятини сугурталаш билан шуғулланади. АҚШ солик қонунчилиги бўйича юридик шахсларга ўз даромадлари ҳисобидан лизинг орқали ускуналар сотиб олиш кўпроқ фойда келтиради ва уларга солиққа оид имтиёзлар яратиб берилган¹².

Лекин профессор М.Мойбнинг такидлашича, Германиянинг Фуқаролик Тузути яратилганлигига юз йил бўлган бўлса ҳам, бу мамлакатда лизинг муносабатларини тартибга солувчи маҳсус ҳуқуқ меъёрлари мавжуд эмас¹³. Бу давлатда лизинг икки турда намоён бўлади: лизинг хариди ва лизинг ижараси. Лизинг муносабатларини тартибга солишда ё савдо муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқдан ёки ижара муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқдан фойдаланади¹⁴.

Австрия давлатида эса лизинг предметининг хизмат муддати иқтисодий жиҳатдан ўртacha 2 йилдан 15 йилгача муддатни ташкил этади. Шартнома муддати тугагандан кейин лизинг олувчининг лизинг предметига нисбатан эксплуатация муддатининг қолган қисмига нисбатан янги шартнома тузиш ёки шартнома предметини сотиб олиш мумкин. Австрияда лизинг фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда "Ижара тўғрисида"¹⁵ги қонун асос бўлиб хизмат қиласди.

Хитой Халқ Республикасида 1979 йилда халқаро лизинг фаолиятини амалга оширувчи қўшма корхоналар очиш ва фаолият олиб бориш учун рухсат берувчи қонун қабул қилинди. Молиявий лизинг шартномаларининг асосий қисми 1 йилдан 5 йилгача, ўртacha лизинг муддати 2-3 йилга тўғри келади ва лизингдан фойдаланувчилар фоизлар тўлаш бўйича кам харажат

¹¹ Кабатова Е.В. Лизинг: правовое регулирование, практика. – М.: Инфра-М, 1998. – С. 65.

¹² US Department of Commerce, Economics and Statistics Administration.– Bureau of Economic Analysis and Equipment Leasing Association of American. – New York.: – 2010. – Р.345.

¹³ Мойб М. 1996 йил 24 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судида "Ижара" мавзусида илмий-амалий семинарда билдириган фикрлари // Журнал. Ҳўжалик ва ҳуқуқ. –1996. №10-11. - 41 б.

¹⁴ Харитонова Ю.С. Законодательство о лизинге в странах Западной Европы и США // Законодательство. – М., 2000. – № 8. – С.71-84.

¹⁵ Ҳазраткулов О.Т. Лизинг муносабатларини халқаро ҳуқукий тартибга солиш. - Тошкент: ТДЮИ, 2012. – 48 б.

талаб қилувчи ускуналарни қисқа муддатли олишни афзал кўришади¹⁶. Шартнома муддати тугагандан сўнг фойдаланувчи ускуналарни унинг қолдиқ қиймати бўйича сотиб олиши мумкин ва шартномалар банк кафолатлари билан мустаҳкамланади.

Жанубий Корея Республикасида 1989 йилдаги "Лизинг бозори ривожланишини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"¹⁷ги қонун қабул қилинганидан кейин тарафлар ўртасида тузиладиган шартномалар ҳажми икки баробар ошди. Жанубий Кореяда жами 14 та лизинг компаниялар фаолият олиб боради, шулардан саккизтаси махсус лизинг компаниялар ва олтитаси савдо банклари ҳисобланади.

Агар ускуна эксплуатация муддати беш йилдан кўп бўлса, лизинг муддати ускунанинг эксплуатация муддатининг 60 фоизидан кам бўлиши лозим. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, лизингга берилган ускуналарни сотиб олиш мажбурий эмас, лекин фойдаланувчига ён берган ҳолда лизинг берувчи томонидан таклиф қилиниши мумкин. Жанубий Корея ҳукумати мамлакатда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган майда ва ўрта корхоналар фаолиятини рағбатлантиришни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган. Шу сабабли ҳукумат томонидан махсус Директива ишлаб чиқилиб, унга кўра лизинг компаниялари лизинг операциялари хажмининг 35 фоиздан кам бўлмаган қисмини майда ва ўрта корхоналарга ажратиш тўғрисида топшириқлар берилган ва бу амалда қўлланилади¹⁸.

МДҲ давлатларида халқаро молиявий лизинг фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар ўртасида ўзаро низо келиб чиққан тақдирда 1992 йил 20 марта қабул қилган "Низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисида"¹⁹ги битимнинг умумий қоидаларга асосланган ҳолда ҳал этилади. Ушбу битимнинг 11-моддаси "е" бандига асосан, агар тарафлар ўртасида тузилган шартномада бошқача ҳолат назарда тутилган бўлмаса, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари битим тузилган давлат қонунчилиги билан белгиланади²⁰. Молиявий лизингни ҳуқуқий тартибга солиш МДҲ давлатларининг барчасининг Фуқаролик кодексларида ва махсус қонунларида белгиланган. Бу давлатлар қонунчилигига лизинг ижара шартномасининг бир тури сифатида қаралади ва уларнинг барчаси Оттава конвенциясига асосланади.

¹⁶ Paul D.Childs., Steven H.Ott., Timothy J.Riddough. Leasing risk, financing risk and capital structure decisions.<http://www.lawportal.ru>

¹⁷ <http://www.consultant.ru>

¹⁸ Leasing Decisions: Liability Awaits the Unwary Lender // The real estate finance journal/winter 2002.<http://business.rin.ru>

¹⁹ <http://www.consultant.ru>

²⁰ Марышевой Н.И.Международное частное право. – М.: Контракт, Инфра-М, 2012. –С.264.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 594-595-моддалари Оттава конвенциясининг 12-моддаси билан бирхиллаштирилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 597-моддаси ўзида конвенциянинг 9,13-моддаси қоидаларини унификациялаган ва ўзида лизинг мулкини лизинг олувчига сифатли ва талаб даражасида етказиб бериш тартиби, лизинг олувчининг мажбуриятларини атрофлича ҳукуқий асослантирилган.

Халқаро-ҳукуқий механизmlар таъсирида ҳамда миллий ҳукуқ ижодкорлигининг шаклланган нормалари воситасида лизинг амалиёти МДҲ давлатларида ҳам етарли даражада ҳукуқий ечимини топди. МДҲ мамлакатларида лизинг муносабатларини тартибга солувчи маҳсус қонунлар мавжуд бўлиб, Озарбайжон Республикасининг 1994 йил 29 ноябрда қабул қилган 16 моддадан иборат бўлган “Лизинг тўғрисида”²¹ги қонуни, Молдова Республикасининг 1996 йил 15 февралда қабул қилинган “Лизинг тўғрисида”²²ги қонуни, Украина Республикасининг 1997 йил 16 декабрда қабул қилинган “Лизинг тўғрисида”²³ги, Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган 25 моддадан иборат бўлган “Лизинг тўғрисида”²⁴ги қонуни, Қозогистон Республикасининг 2000 йил 5 июлда қабул қилинган 26 моддадан иборат "Молиявий лизинг тўғрисида"²⁵ги қонунларини мисол қилиб кўрсатишимииз мумкин.

Белоруссия Республикасида лизинг муносабатларини ҳукуқий тартибга солиш Фуқаролик кодексининг 34-боб 6-банди, Белорус Республикаси Президентининг 13 ноябр 1997 йил “Лизинг тўғрисида”ги 587-сонли Фармонига ҳамда ва Белорус Республикаси Министрлар Советининг 1997 йил 31 декабрдаги 1769-сонли қарори билан тасдиқланган “Лизинг тўғрисида”²⁶ги низом асосида тартибга солинади. Молдова Республикасининг “Лизинг тўғрисида”²⁷ги қонунига биноан лизинг олувчига берилган мулкка нисбатан шартнома муддати давомида мулкка эгалик ҳукуки лизинг берувчида қолади.

Украина Республикасининг “Лизинг тўғрисида”²⁸ги қонунида ҳам бутун шартнома муддати давомида мулкка эгалик қилиш ҳукуки лизинг берувчида сақланиб қолади. Лизинг олувчи банкрот бўлиб қолган ҳолларда, унинг барча мулки хатланган ёки мусодара қилинган ҳолларда лизинг объекти лизинг

²¹ <http://www.consultant.ru>

²² Қаранг: ўша манба

²³ Қаранг: ўша манба

²⁴ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами, 2015 й., 7-8-сон

²⁵ <http://www.consultant.ru>

²⁶ Paul D.Childs., Steven H.Ott., Timothy J.Riddiough. Leasing risk, financing risk and capital structure decisions.

<http://www.lawportal.ru>

²⁷ Ҳазратқулов О.Т. Лизинг муносабатларини халқаро ҳукукий тартибга солиш. – Тошкент: ТДЮИ, 2012. – 50 б.

²⁸ Қаранг: ўша манба

олувчининг мулкидан ажратиб олиниб, лизинг берувчига қайтарилади. Мазкур нормалар Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги қонуннинг 15-моддаси 4-бандида ҳам ўз ифодасини топган.

Қозогистон Республикасида ҳам лизинг муносабатлари маҳсус қонун билан тартибга солинади. Ушбу мамлакат “Молиявий лизинг тўғрисида”²⁹ги қонунининг 2-моддасида лизинг шартномасини асосий тушунчалари берилган. Унга қўра молиявий лизингни – инвестиция фаолиятининг бири тури сифатида эътироф этилади. Бундан ташқари, лизинг берувчи, лизинг оловчи, сотувчи, лизинг битимлари, сублизинг, лизинг фаолияти, лизинг муносабатларида фойдаланиб бўлмайдиган ашёларга нисбатан алоҳида тавсиф бериб ўтилган.

Халқаро конвенциялар ва бир неча давлатларнинг лизинг қонунчилиги таҳлили натижалари миллий лизинг қонунчиликни янада такомиллаштириш лозимлиги тўғрисидаги хulosага олиб келди. Ўзбекистон Республикаси “Лизинг тўғрисида”³⁰ги қонунининг 4-моддасида лизинг субъектлари тўғрисида тушунтиришлар белгилаб қўйилган. Хусусан, мазкур моддада лизинг шартномаси субъектларнинг мақоми тўлиқ очиб берилмаган ва шу пайтгача мазкур масала мавхумлигича қолган. Фикримизча, лизинг тўғрисидаги қонуннинг 4-моддасида лизинг шартномаси субъектларининг “резидентлик” ва “норезидентлик” категориясига аниқлик киритилиши лозим. Резидент ва норезидент тадбиркорлик субъектларига нисбатан солиқ сиёсати алоҳида тартибда олиб борилиши Солиқ кодексида белгилаб қўйилган. Лекин лизинг муносабатларини тартибга сотувчи қонучиликда бу ҳолат ўз аксини топмаган. Жумладан, лизинг тўғрисидаги қонунда миллий лизинг берувчи ва лизинг оловчи қайси меъёрлар асосида, хориж лизинг субъектлари ҳисобланмиш лизинг берувчи ва лизинг оловчи қайси меъёрлар асосида фаолият олиб бориш тартиби ҳуқуқий нормалар билан белгилаб қўйилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки, юқоридаги нормаларни лизинг қонунчилигига киритилиши биринчи навбатда давлат томонидан субъектларга бериладиган имтиёзлар доирасини аниқлаш ва фаолиятини кафолатлашда муҳим аҳамият касб этади. Лизинг қонунчилигига хориж субъектларнинг ҳуқуқий ҳолати аниқ белгилаб қўйилса, улар томонидан шартнома тузиш тартиби ва фаолият олиб бориш шартлари белгиланса, шунда шартнома субъектларининг ҳуқуқларини қонун билан ҳимоя қилинган бўлади ва халқаро нормаларни бирхиллаштириш амалга оширилган бўлади. Бундан ташқари, қонун нормаларига мазкур қоидаларнинг киритилиши Ўзбекистон худудида халқаро лизинг операцияларни амалга

²⁹Маршеввой Н.И. Международное частное право. – М.: Контракт, Инфра-М, 2012. – С .264.

³⁰ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами, 1999 й., 3-4-сон.

оширишга енгиллик киритади ва тарафлар ўртасида келиб чиқадиган муаммоли масалаларга чек қўяди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР (REFERENCES)

1. Диамантис Д.Г. Современное состояние финансовой аренды (лизинга) в России, США и странах западной Европы // Политика, государство и право. 2014. – № 7 (31). – С.21-24.
2. Фозибеков Д., Собиров О.Ш., Мўминов А.Г., Қулжонов О.М. Лизинг муносабатлар назарияси ва амалиёти. – Т.: Fan va tehnologiya, 2004. 13-б.
3. Ҳазратқулов О.Т. Лизинг муносабатларини халқаро ҳуқуқий тартибга солиш. – Тошкент: ТДЮИ, 2012. – 45 б.
4. Azimjon, I. (2022). ZARAR–YURIDIK SHAXS ISHTIROKCHILARI VA BOSHQARUV ORGANLARI FUQAROLIK-HUQUQIY JAVOBGARLIGINING ZARURIY SHARTI SIFATIDA.
5. Ануфриева Л.П.Международное частного право. – М.: Бек, 2000. – С. 306.
6. Richard M.Contino.**Negotiating Business Equipment Leases-Insider Strategies For Getting the Best Deal.** – New York./ McGraw-Hill, – 1995. – P.87.
7. Azimjon Abdumo'min o'g, I. (2023, January). IJARA SHARTNOMASI OBYEKTI. In *Proceedings of International Conference on Scientific Research in Natural and Social Sciences* (Vol. 2, No. 1, pp. 161-165).
8. Кабатова Е.В. Лизинг: правовое регулирование, практика. – М.: Инфра-М, 1998. – С. 65.
9. US Department of Commerce, Economics and Statistics Administration.– Bureau of Economic Analysis and Equipment Leasing Association of American. – New York.: – 2010. – P.345.
10. O'G'Li, A. A. M. (2022). KORPORATSIYA USTAV KAPITALI FUNKSIYALARI VA UNGA OID MILLIY QONUNCHILIK NORMALARINI TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI. *Academic research in educational sciences*, 3(8), 109-113.
11. Мойб М. 1996 йил 24 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судида "Ижара" мавзусида илмий-амалий семинарда билдирган фикрлари // Журнал. Хўжалик ва ҳуқуқ. –1996. №10-11. - 41 б.
12. Харитонова Ю.С. Законодательство о лизинге в странах Западной Европы и СИІА // Законодательство. – М., 2000. – № 8. – С.71-84.
13. Ibrohimov, A. A. M. O. G. (2023). IJARA MUNOSABATLARIDA IJARA HAQINI TO'LASH BILAN BOG'LIQ MASALALAR. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 3(2), 607-612.

14. Paul D.Childs., Steven H.Ott., Timothy J.Riddiough. Leasing risk, financing risk and capital structure decisions.<http://www.lawportal.ru>
15. Leasing Decisions: Liability Awaits the Unwary Lender // The real estate finance journal/winter 2002.<http://business.rin.ru>
16. Марышевой Н.И.Международное частное право. – М.: Контракт, Инфра-М, 2012. –С.264.